

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАБОЕВ АКМАЛ МУРАДОВИЧ**

**ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**  
**МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Жумабоев Акмал Мурадович**

Ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмларини  
такомиллаштириш ..... 3

**Жумабоев Акмал Мурадович**

Совершенствование механизмов финансирования молодежных  
организаций..... 27

**Jumaboev Akmal Muradovich**

Improving funding mechanisms for youth organizations ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАБОЕВ АКМАЛ МУРАДОВИЧ**

**ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**  
**МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2022.1.PhD/Iqt2000 рақам билан руйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот – таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Худойқулов Садирдин Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Тошмуродова Бибисора Эгамовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Додиев Фозил Уткурович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/10/12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.П. Эшов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Н.Ш. Хожимуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ёшлар масаласи замонавий тараққиётнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра, “дунё аҳолисининг 1,8 млрд. нафардан ортиқ қисмини 25 ёшгача бўлганлар ташкил этади. БМТнинг “2030 йилгача барқарор тараққиёт кун тартиби” деб номланган ҳисоботида ёшларнинг ижтимоий қатламдаги ўрни ошиши, уларни банд қилиш ва уни молиялаштириш ҳолати, имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиши, уларни иш билан банд қилиш ҳамда ижтимоий тўловларни ажратиш билан боғлиқ молиявий маблағларнинг тақсимланиши, дунёдаги ёшларнинг камбағаллик домига тушиб қолиш ҳолатини бартараф этишда дунёдаги ташкилотларнинг ижтимоий ҳамкорлиги ва унга молиявий кўмак бериш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш муҳим йўналиш”<sup>1</sup> сифатида ўрганилмоқда.

Жаҳондаги кўпгина йирик молиявий институтлар, жумладан, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ҳамда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар доирасида ёшлар ташкилотлари молиявий фаолиятини баҳолашнинг янги такомиллаштирилган мезонлари ишлаб чиқилди, узоқ йилларга мўлжалланган стратегик дастурлар қабул қилиниб, уларни амалга оширишга киришилди. Ҳозирги кунда ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида ёшлар ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган махсус илмий тадқиқотлар амалга оширишга устуворлик бериб келинмоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатида устувор масалалар сифатида ёшлар ташкилотларини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш билан бир қаторда “ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижтимоий буюртма шаклида ажратилган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлашга эришиш, ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш”<sup>2</sup> уларнинг фаолиятини молиялаштириш тартибини ҳам такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари

<sup>1</sup> <https://www.un.org/development/desa/youth/world-youth-report>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони. 28.01.2022 й.

агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшлар масалалари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусан, ёшлар ташкилотларига оид илмий-назарий ёндашувлар таҳлили ҳамда молиялаштириш муаммолари бир қатор хорижлик олимлар ДЖ.Фрай, В.Куин, С.Гамильтон, Л.Хорелли, ДЖ.Костелло, М.Толлес, ДЖ.Шпильбергер, ДЖ.Винн, шунингдек, Й.Эшинг, Ф.Октай, М.Сентуна, М.Сенк, шунингдек, В.С.Новиков, А.П.Соловьев, П.Е.Царьков сингари россиялик олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган<sup>3</sup>.

XIX асрнинг бошларида ёшларнинг жамиятдаги алоҳида қатлам сифатидаги ижтимоий аҳамияти америкалик олим Г.Стели Холл ва германиялик олимлар Ш.Бюллер ва Э.Шпрангер<sup>4</sup>, ёшларнинг жамиятдаги таркибий-функционал қатлам сифатида ҳаётий ривожланиш жиҳатларини россиялик олимлар Б.Грушин ва В.Чикин илмий асослаб берган бўлсалар, С.В.Алещенкова, Б.А.Ручкина, Е.Г.Слуцкой, В.К.Криворученко, В.А.Родионова, О.В.Татарина, Ю.А.Зубок, уларнинг фаолиятини бошқаришда иқтисодий (молиявий) жиҳатлари борасидаги тадқиқотлар К.А.Ашипов, Г.А.Луке, В.В.Семенова<sup>5</sup> томонидан амалга оширилган.

---

<sup>3</sup> Fry J. Basic directions of the concept of state youth policy/Basic Elements of the state youth policy in the Czech Republic.2007; Quinn W. Trends in Youth Development Topics: An Integrative Review of Positive Youth Development Research Published in Selected Journals Between 2001-2010 // Journal of Youth Development. 2011; S.F. Hamilton. Principles for youth development. In S.F. Hamilton & M.A. Hamilton (Eds.). The youth development handbook: Coming of age in American communities. Thousand Oaks, CA: Sage Publications. 2004; Horelli L. Ladder for participation of children in planning processes" For Germany. 1994; Costello J., Toles M., Spielberger J., Wynn J. How history, ideology, and structure shape the organizations that shape youth // P.L. Benson & K.J. Pittman (Eds.). Trends in youth development: Visions, realities, and challenges. Boston, MA: Kluwer Academic Publishers. 2001. Новиков В.С., Соловьев А.П., Царьков П.Е. Зарубежный опыт нравственного воспитания молодежи посредством культурного и природного наследия: теоретические подходы. ИПСИ. 2015.

<sup>4</sup> Холл С. Инстинкты и чувства в юношеском возрасте. СПб, 1913.278 с. Бюллер Ш. Что такое «пубертатный период». СПб., 2001.122с; Шпрангер Э. Основные идеальные типы индивидуальности. //Психология личности/Под ред. Ю.Б.Гиппенрейтер, А. А. Пузыря. – М., 1982. – 312 с.

<sup>5</sup> Грушин Б., Чикин В. Исповедь поколений. М., 1965.344 с.; Ручкин Б. А. Молодежь и становление новой России. // Социс. 1998. № 5. – С. 56-72; Слуцкий Е. Г. Социальные проблемы молодежи и молодежной политики. СПб,1993. 312 с; Криворученко В.К., Родионов В.А., Татарин О.В. Молодежное движение в России и Советском Союзе: уроки истории. – М., 1997. 341 с; Зубок Ю.А. Риск в социальном развитии молодежи. // Соц.-гуманит. знания, 2003. № 1. – С. 147-162.; Антипов К.А. Местное самоуправление в современном российском обществе. – Пермь: ПГТУ, 2002. 447с; Луке Г.А. Социальное инновационное проектирование в молодежной политике: социологический анализ: Дис. д-ра. соц. наук. – Н. Новгород, 2005; Семенова В. В. Социология молодежи // Социология в России: сб. – М.: Институт социологии РАН, 1996. – С. 323-344.

Хусусан, Е.Морозованинг илмий ишларида ёшларнинг ҳаётий қадриятлари аҳамиятини оширишда давлат сиёсати йўналишларида иқтисодий (молиявий) аспектларга эътибор қаратиш кўрсатилган бўлса, В.Т.Лисовский, В.И.Чупров, В.А.Луков<sup>6</sup> ҳам айнан ёшларга оид давлат сиёсатининг турли хил жиҳатларини ишлаб чиқишнинг илмий-назарий жиҳатларида молиявий масалаларга ҳам тўхталганлар. Тадқиқот ишида бундан ташқари, бир қатор расмий интернет манбаларида келтирилган маълумотлар ҳам ўрганиб чиқилган бўлиб, мазкур материалларда асосан ёшлар ташкилотларини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масаласига эса умумий жиҳатдан тўхталиб ўтилган бўлиб, илмий хулосалар, аниқ таклиф ва тавсиялар жуда кам манбаларда келтирилган.

Диссертация иши мавзуси доирасида илмий тадқиқот ишлари ўзбекистонлик олимлар А.С.Бегматов, Т.И.Бобокулов, З.Т.Лухманова, Г.О.Саъдиева, Й.Шерматов, шунингдек, Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Х.Жумаев, Н.Ҳ.Ҳайдаров, А.В.Ваҳобов, Ш.Х.Ходжибакиев, А.Г.Мўминов, Н.Р.Кузиева, Т.Б.Имомкулов, А.Д.Анаркулов, А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов, У.В.Гафуров<sup>7</sup> нинг илмий ишларида ташкилотларни молиялаштиришнинг назарий ва амалий асосларига қисман тадқиқ қилинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услугий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>6</sup> Лисовский В.Т. Динамика социальных изменений: Опыт сравнительных социологических исследований российской молодежи. // Социологические исследования. 1998. № 5. – С. 90-102.; Чупров В.И. Социология молодежи на пороге своего тридцатилетия. // Социологические исследования. 1994. № 4. – С. 53-68.; Луков В.А. Государственная молодежная политика: проблема социального проектирования будущего России [Электронный документ]: Электронный журнал «Знание. Понимание. Умение».

<sup>7</sup> Бегматов А.С. Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истикболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси. – Т., 2019.; Бобакулов Т.И. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг молиявий муаммолари. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истикболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси. – Т., 2019.; Лухманова З.Т. Индекс измерения молодежной политики Республики Узбекистан. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истикболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси. – Т., 2019.; Саъдиева Г.О. Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истикболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси. – Т., 2019.; Шерматов Й. Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш орқали янги иш ўринларини яратиш – ёшлар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истикболлари” илмий-амалий конференцияси. – Т., 2019.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёшлар ташкилотларини молиялаштириш мезанизмларининг эволюцион ривожланиш жараёнини кўрсатиб бериш;

ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмларига оид илмий тадқиқот ишларини назарий таҳлил қилиш;

ёшлар ташкилотлари ва улар қошидаги махсус жамғармаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш зарурлигини асослаш;

ёшлар ташкилотларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уларнинг молиялаштиришдаги улушини баҳолаш;

Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини молиялаштириш амалиётини илмий таҳлил қилиш;

ёшлар ташкилотларини молиялаштириш мезанизмларининг хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва уларни қиёслаш;

ёшлар ташкилотларини молиялаштириш жараёнидаги мавжуд иқтисодий муаммоларни аниқлаш;

ёшлар ташкилотлари жамғармалари ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги интеграция, шунингдек, уларни молиялаштириш мезанизмларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларининг молиявий-иқтисодий фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилот кўринишидаги ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, абстракт-мантикий фикрлаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, илмий абстракциялаш, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасини мустақил нодавлат-нотижорат ташкилот сифатида қайта ташкил этиш ҳамда жамғарма лойиҳаларини ҳар йили Давлат бюджетига қайтариладиган қисми ҳисобидан молиялаштириш таклиф этилган;

ёшлар ташкилотлари тавсиясига кўра ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека дастури доирасида бошланғич бадал ва фоиз тўловлари бўйича уй-жой учун бюджетдан субсидия ажратиш таклиф этилган;

олий таълим муассасалари ёшлар ташкилотларига аъзо битирувчиларининг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда “Ёшлар экспортда”, “Ёшлар инвестицияда”, “Ёшлар фермерликда”, “Ёшлар қурилишда” йўналишлари бўйича бизнес акселераторлар ташкил этиш ва улар фаолиятини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш таклиф этилган;

маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдорида маблағларни ҳар чоракда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ёшлар ташкилотларини молиялаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари тизимли равишда асосланган;

ёшлар ташкилотлари томонидан амалга оширилувчи сақлаш харажатлари ва дастурий фаолиятни молиялаштириш харажатларини муқобиллаштириш йўналишлари такомиллаштирилган;

ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда давлат томонидан кўмакни амалга ошириш жараёнлари ва бунда ёшлар ташкилотларининг аҳамиятини ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

«Yoshlar - kelajagimiz» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини компенсациялаш ва субсидиялаш тартибини бекор қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ёшлар ташкилотларини мақсадли, бозор қоидалари ва аралаш шаклдаги уч бўғинли молиялаштиришни амалга ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

ёшлар ташкилотларини молиялаштириш ҳолатини баҳолашга хизмат қилувчи ёшлар ташкилотларини молиялаштириш индекси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини молиялаштиришда хориж тажрибасининг илғор усулларидан фойдаланиш йўллари таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижаларининг таҳлили жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини молиялаштириш даражасини илмий баҳолаш, молиялаштириш механизмларига оид муаммолар мазмунини аниқлаш, уларни ҳал этиш билан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, ёшлар ташкилотлари бюджетларининг молиявий мустақиллигини барқарорлаштириш, ёшлар ташкилотларининг молиялаштиришга оид қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва маҳсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги ошириш, таклиф этилган молиялаштириш манбаларини ўрганиш ҳамда ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришда илмий изланишнинг асосий қоида ва ҳулосаларидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёшлар ташкилотларини молиялаштириш бўйича тадқиқот натижалари давомида ишлаб чиқилган услубий таклиф ва тавсиялар асосида:

“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасини мустақил нодавлат-нотижорат ташкилот сифатида қайта ташкил этиш ҳамда жамғарма лойиҳаларини ҳар йили Давлат бюджетига қайтариладиган қисми ҳисобидан молиялаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2021 йил 20 декабрдаги 04-13/1827-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури доирасида сарфланадиган маблағларни тўғри сарфлаш орқали ёшлар ташкилотлари томонидан сарфланадиган маблағларни қўшимча равишда молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга имконият яратилган;

ёшлар ташкилотлари тавсиясига кўра ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека дастури доирасида бошланғич бадал ва фоиз тўловлари бўйича уй-жой учун бюджетдан субсидия ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 30 мартдаги 05/21-03-32/1058-сон маълумотномаси). Натижада Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун 12,7 млрд. сўм маблағ ажратилган;

олий таълим муассасалари ёшлар ташкилотларига аъзо битирувчиларининг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда “Ёшлар экспортда”, “Ёшлар инвестицияда”, “Ёшлар фермерликда”, “Ёшлар қурилишда” йўналишлари бўйича бизнес акселераторлар ташкил этиш ва улар фаолиятини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарори ва унинг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилга ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”га Қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 24 декабрдаги 4-01-21-3359-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижасида ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмининг самарадорлигини оширилиши ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берган;

маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдорида маблағларни ҳар чоракда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92 сонли “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 30 мартдаги 05/21-03-32/1058-сон

маълумотномаси). Натижада маҳаллий бюджетлардан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини доимий равишда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконияти юзага келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, уларнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёшлар ташкилотларини молиялаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ёшлар ташкилотларини молиялаштиришга оид илмий-назарий ёндашувлар таҳлили, ёшлар ташкилотларини молиялаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шарт-шароитлари баён этилган.

Хорижлик олимлардан бири И.Ильинскийнинг тадқиқотлар мажмуасида ёшлар ҳаракатининг 8 та муҳим хусусияти кўрсатиб берилган. Олимнинг фикрича, “ёшлар, аввало объектив, ижтимоий зарурат; ёшлар – ҳозир ва келгуси тараққиётни белгиловчи муҳим восита; ёшлар оралиқ ва тўлиқ илмий тадқиқотлар объектидир”<sup>8</sup>. Шундан келиб чиқиб, олимнинг тадқиқотларида ёшлар ташкилотларининг молиявий-ташкилий жиҳатларига илмий тадқиқот ишларининг асосий элементи сифатида эътибор қаратиш билан бирга, ёшларнинг жамиятнинг турли бўғинларидаги ролини кўрсатишда уларнинг эндоген хусусиятларини бош масала сифатида олиб қаралган.

Олиб борилган тадқиқот натижаси кўрсатдики, ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмлари Ўзбекистонда шу кунга қадар илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ қилинмаган. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда

<sup>8</sup> Луков Вал. А. Ильинский: Гуманистическая концепция молодежи. // Знание. Понимание. Умение. 2006. №2. - С. 48–59; Его же. И. М. Ильинский о молодежи и молодежной политике. // Социально-гуманитарные знания. 2007. №5. – С. 158–172; Его же. Ильинский Игорь Михайлович о проблемах молодежи и молодежной политики // Youth World Politic. 2013. № 2. – С. 107–111.

хўжалик бирлашмалари, ташкилот ва корхоналар ҳам алоҳида ўрин тутади. Бундай субъектларда хўжалик бошқаруви жараёнида ёшларни касбга тайёрлаш, уларга меҳнат шарт-шароитларини яратиш, ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ ички молиявий қарорлар қабул қилиш орқали уларнинг фаолияти молиялаштирилади ва бу ҳолат ташкилотнинг ички стратегиясида алоҳида кўрсатиб қўйилиши ҳам мумкин.

Диссертант томонидан дунё ва ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишлари назарий жиҳатдан ўрганилиб, ёшлар ташкилотларини молиялаштириш даражаси бўйича қуйидаги такомиллаштирилган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган: ***Ёшлар ташкилотларини молиялаштириш даражаси*** муайян йилда республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилувчи маблағлар чекланган миқдорларининг умумий суммасига солиштириш орқали аниқланувчи кўрсаткич бўлиб, бир йилда ёшлар ташкилотларига ажратилган ва ёшлар ташкилотлари томонидан жалб этилган маблағлар йигиндисидир.

**“Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмларининг таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида, ёшлар сиёсати ва унинг моделлари, ёшлар ташкилотларини молиялаштириш тартиби ва ёшларга оид давлат сиёсатини молиялаштиришда махсус жамғармаларни молиялаштириш илмий-назарий ва амалий жиҳатдан изоҳлаб берилган.

Дунё амалиётида ёшлар сиёсати моделларининг қўлланилиши ва хусусиятига кўра кенг тарқалган 8 та модели<sup>9</sup>: ижтимоий-демократик модель, консерватив модель, либерал модель, субинституционал модель, универсал модель, протекцион модель, жамиятга асосланган модель ва марказлаштирилган модель атрофлича ёритиб берилган.

1-жадвалга кўра, Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларининг бир асрлик тарихий шаклланиши ва уларнинг фаолиятини молиялаштиришда давлат бюджети асосий ўрин тутган. Аслида бу нодавлат ёшлар ташкилотларини молиялаштиришнинг халқаро методологияларида ҳар доим учрамайдиган молиялаштириш тартибларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кундаги “энг ёш” ёшлар ташкилоти – Ёшлар ишлари агентлиги 2020 йил 30 июнда ташкил этилган бўлиб, ташкилотнинг 2020 йил иккинчи ярми ва 2021 йил тўлиқ йиллик бюджет ижроси<sup>10</sup> 3 та харажат гуруҳи ва харажат турлари (*иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий тўловлар, дастурий вазифаларни амалга ошириш харажатлари*) бўйича 2020 йилдаги режа 74 992,2 млн.сўм, касса харажати 69 990,6 млн.сўм, 2021 йилдаги режа 249 974,2 млн.сўм, касса харажати 138 361,3 млн.сўмни ташкил этган. 2021 йилдаги режа ва касса харажати орасидаги 45,7 фоизли фарқдан кўриш мумкинки, унинг молиялаштириш режаси, прогнози ва харажатларни амалга ошириш механизмини ҳам такомиллаштириш лозим.

<sup>9</sup> Мавжуд адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>10</sup> “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни билан тасдиқланган бюджет параметрлари ва Ёшлар ишлари агентлиги молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ёзилган.

**Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларининг шаклланиши ва уларнинг фаолиятини молиялаштириш иерархияси<sup>11</sup>**

| №  | Ёшлар ташкилоти номи   | Ижтимоий-сиёсий мақоми                   | Молиялаштириш тартиби ва манбаи  | Амал қилган даври, йиллар |
|----|--|--|--|---------------------------|
| 1. | Ўзбекистон собиқ социалистик Республикаси комсомол ташкилоти | Эркин фаолият юритувчи ижтимоий ташкилот | Комсомол ташкилотига кириш ва аъзолик тўлови, унинг таркибидаги ташкилотлар даромадлари      | 1918-1991                 |
| 2. | Ёшлар иттифоқи   | Нодавлат-нотижорат ташкилот              | Давлат бюджети   | 1991-1996                 |
| 3. | “Камолот” жамғармаси   | Жамғарма                                 | Давлат бюджети, қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар                                   | 1996-2001                 |
| 4. | “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати                            | Нодавлат нотижорат ташкилоти             | Давлат бюджети ( <i>ягона солиқ суммасининг 8%и</i> ), қонунчиликда таъқиқланмаган манбалари | 2001-2017                 |
| 5. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи                                    | Нодавлат нотижорат ташкилоти             | Давлат бюджети, 2021 йилдан ўзини-ўзи молиялаштириш тизими                                   | 2017-х.в.                 |
| 6. | Ёшлар ишлари агентлиги                                       | Давлат ташкилоти                         | Тўлиқ давлат бюджети   | 2020-х.в.                 |

2-жадвал таҳлили ташкилотга давлат бюджетидан тушган тушумларга нисбатан бошқа тушумларнинг фоиз ҳисобидаги вазни 2017 йилда 2,8 %, 2018 йилда 3,0 %, 2019 йилда 2,0 %, 2020 йилда 3,6 %, 2021 йилда эса 12,9 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2017-2021 йилларга тегишли молиявий бюджетнинг манбалар кесимида таҳлили<sup>12</sup>**

(млрд. сўм)


| Кўрсаткичлар              |                                | 2017 й.     | 2018 й.     | 2019 й.     | 2020 й.     | 2021 й.    |
|---------------------------|--------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|------------|
| Йил бошига қолдиқ         |                                | 7,1         | 18,6        | 69,0        | 41,0        | 25,0       |
| Шундан, депозитда:        |                                | 4,0         | 10,0        | 50,0        | 15,0        | 15,0       |
| Ташкилот ҳисобрақамида:   |                                | 3,1         | 8,6         | 19,0        | 26,0        | 10,0       |
| I.                        | Давлат бюджети ҳисобидан тушум | 87,0        | 209,7       | 255,0       | 111,0       | 16,2       |
|                           | Бошқа тушумлар                 | 2,5         | 6,4         | 5,3         | 4,1         | 2,4        |
| II.                       | Харажатлар                     | 70,9        | 165,7       | 288,3       | 131,1       | 39,6       |
| <b>Йил охирига қолдиқ</b> |                                | <b>18,6</b> | <b>69,0</b> | <b>41,0</b> | <b>25,0</b> | <b>4,0</b> |

<sup>11</sup> Мавжуд қонунчилик асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Сўнгги беш йилда Ёшлар иттифоқига давлат бюджети ҳисобидан келиб тушган жами 699,6 млрд. сўм маблағни йиллар кесимидаги улуши эса 2017 йилда 12,8 %, 2018 йилда 30,9 %, 2019 йилда 37,2 %, 2020 йилда 16,4 %, 2021 йилда эса 2,6 % ни ташкил этади.


2017-2021 йиллар мобайнида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий ва маҳаллий кенгашларига дастурий фаолиятни амалга ошириш харажатларини молиялаштириш таҳлилини 1-расмда кузатиш мумкин. Бунда харажатларни молиялаштириш 2018-2019 йилларда нисбатан юқори, кейинги йилларда маблағлар ҳажми сезиларли даражага камайганини кўриш мумкин. Бу ҳолатни давлат бюджетидан ажратилган маблағ миқдорига боғлаш ноўрин бўлади, сабаби бюджетдан ёшлар ташкилотларига ажратилган маблағлар умумий миқдори камаймаган, балки 2020 йилда ташкил этилган Агентликка ҳам йўналтирилган.



**1-расм. 2017-2021 йиллар бўйича Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий ва маҳаллий кенгашларида дастурий фаолиятни амалга ошириш харажатларини молиялаштириш таҳлили (млн. сўмда)<sup>13</sup>**

2017-2021 йилларда Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳудудий кенгашларига қарийб 150,5 млрд.сўм маблағ ажратилган бўлса, шу беш йил давомида республикадаги барча туман, шаҳар маҳаллий кенгашларига жами 79,3 млрд.сўм маблағ ажратилган. Демак, сўнгги беш йилда давлат бюджетидан Ёшлар иттифоқига ажратилган умумий маблағларнинг 67,1 %и республика даражасида, 21,5 %и ҳудудий даражада, 11,3 %и маҳаллий даражада молиялаштирилган.


<sup>13</sup> Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**2-расм. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи таъсисчилигидаги корхона(ННТ)ларнинг 2018 ва 2021 йиллар учун тасдиқланган бюджети маблағларининг солиштира таҳлили (млн. сўмда)<sup>14</sup>**

Муаллиф томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилган 16 та нодавлат ноижорат ташкилотнинг 2018 ва 2021 йиллар бўйича молиялаштирилиши таққосланган. Унга кўра, 2018 йилда мазкур ННТларга 44,83 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2021 йилга келиб, молиялаштириш 61,5 % га камайиб, 17,29 млрд. сўмгача тушиб кетган. Лекин мазкур ННТларни молиялаштириш учун 2018 йилда Ёшлар иттифоқи умумий маблағлари (234,7 млрд.сўм)нинг 19,1 %и йўналтирилган бўлса, 2021 йилда ташкилот маблағлари (43,6 млрд.сўм)нинг 39,7 % йўналтирилган. Мазкур ННТларнинг таъсисчиси ҳисобланган Ёшлар иттифоқининг молиялаштириш манбалари камайиши натижасида, 2021 йилга келиб 16 та ННТдан 3 тасини молиялаштиришда ўсиш, қолган 13 тасида пасайиш кузатилган.

<sup>14</sup> Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



**3-расм. Ўшлар ташкилотларини уч бўғинли молиялаштиришни амалга ошириш йўналишлари<sup>15</sup>**

<sup>15</sup> Тадқиқот иши давомида ишлаб чиқилган муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги 3-расмдан кузатиш мумкинки, тадқиқот иши давомида, **ёшлар ташкилотларини мақсадли, бозор қоидалари ва аралаш шаклдаги уч бўғинли молиялаштиришни амалга ошириш йўналишлари** ишлаб чиқилган бўлиб, бу барча ёшлар ташкилотларини молиялаштириш учун ишчи механизм вазифасини бажаради.

Бунда инновацион молиялаштириш манбаининг биринчи компоненти – фандрайзинг, иккинчи компоненти – давлат-хусусий шерикчилик, учинчи компоненти – венчур молиялаштириш<sup>16</sup> (венчур 5-7 йиллик юқори рискли инвестиция ҳисобланиб, унинг манбаи асосан хусусий капиталдир), тўртинчи компоненти – грант<sup>17</sup> маблағларидан молиялаштириш (грант – давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ёки хорижий ҳукумат ташкилотлари ёхуд нодавлат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига берилган маблағ ёки мол-мулк ҳамда хорижлик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан берилган маблағ ёки мол-мулк) ҳисобланади.

Бюджет манбаининг биринчи компоненти – солиқлар ва мажбурий тўловлар, иккинчи компоненти – мерос, ҳада ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари, учинчи компоненти – қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлар ҳисобланади<sup>18</sup>. Бюджетдан ташқари манбаларнинг биринчи компоненти – давлат божлари, иккинчи компоненти – йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, учунчи компоненти – маъмурий жарима ҳамда молиявий санкциялардан ажратмалар ҳисобланади<sup>19</sup>. Бошқа манбаларнинг биринчи компоненти – махсус ажратмалар, иккинчи компоненти – тадбиркорлик субъектларининг даромадлари, учинчи компоненти – фоишли даромадлар ҳисобланади.

Тадқиқотчи томонидан олиб борилган илмий изланишлар жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган кўплаб моделлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур аксарият моделларнинг муҳим ташкил этувчилари сифатида субмоделларнинг ўрни муҳимдир. Тадқиқот давомида атрактив (attractive) субмодель, интеграцион субмодель, эркин субмодель ва шартномавий субмодель қоидасига кўра молиялаштириш механизмлари атрофлича таҳлил қилинган.

Шундан келиб чиқиб, ўрганишлар натижасида ишлаб чиқилган ёшлар ташкилотларини уч бўғинли молиялаштиришни амалга ошириш йўналишларини ташкил этувчилар ҳисобланган элементлар ҳам илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқилган.

Диссертациянинг **“Ёшлар ташкилотларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида ёшлар ташкилотларини молиялаштириш бўйича хориж тажрибаси, молиялаштириш механизмлари таҳлили ҳамда мазкур механизмларни такомиллаштириш йўналишлари асосида ишлаб чиқилган таклифлар илгари сурилган.

Диссертант томонидан бугунги кунда ёшлар ташкилотларини молиялаштиришдаги долзарб муаммолардан бири сифатида ёшлар сиёсатини

<sup>16</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Венчурное\\_финансирование](https://ru.wikipedia.org/wiki/Венчурное_финансирование)

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси.

баҳолаш масаласи илгари сурилган. “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси”<sup>20</sup>да ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг молиялаштирилишини баҳолаш зарурати алоҳида ўрин тутди. Ёшлар сиёсатини молиялаштирилишининг баҳоланиши ёшлар ташкилотларини молиялаштириш билан бевосита боғлиқлигини инобатга олиб, тадқиқот иши доирасида ёшлар ташкилотларини молиялаштириш индекси ишлаб чиқилган.

Ёшлар ташкилотларини молиялаштириш индекси:

$$I_{ytm} = \frac{a+b+c+d+e}{X} = m/X; \quad m=a+b+c+d+e;$$

Бу ерда:

- $I_{ytm}$  - ёшлар ташкилотларини молиялаштириш индекси;
- $X$  - бир йил учун Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағлар чекланган миқдорларининг умумий суммаси;
- $m$  - бир йилда ёшлар ташкилотларига ажратилган ва жалб этилган маблағлар йиғиндиси;

жумладан:

- $a$  - бир йилда давлат бюджетидан фақат ёшлар ташкилотларига ажратилувчи маблағлар;
- $b$  - ёшлар ташкилотлари томонидан ишлаб топиловчи (жалб қилинган) маблағлар;
- $c$  - ёшлар ташкилотлари жамғармаларидаги (ёшлар ташкилотларига йўналтирилладиган) маблағлар;
- $d$  - бир йилда хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар томонидан ёшлар ташкилотларига ажратилладиган техник кўмак маблағлари ва грантлар;
- $e$  - ёшлар ташкилотлари учун ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда:

$I_{ytm} < 0,01$  – паст ҳолат;

$I_{ytm} = 0,01 - 0,09$  оралиғи – ўрта (нормал) ҳолат;

$I_{ytm} > 0,1 - 1,0$  – юқори (барқарор) ҳолат.

$I_{ytm}$  – ёшлар ташкилотларини молиялаштириш индекси учун  $I_{ytm} < 0,01$ ;  $I_{ytm} = 0,01 - 0,09$  оралиғи;  $I_{ytm} > 0,1 - 1,0$  оралиқлари белгиланди.

Тадқиқот давомида ёшлар соҳасига яқин бўлган 10 дан ортиқ халқаро индексларни ишлаб чиқиш методологияси ўрганиб чиқилган. Масалан, Ёшлар ривожланиши индекси (ЁРИ)<sup>21</sup> 2013 йилда, Ёшлар фаровонлиги индекси (ЁФИ)<sup>22</sup>

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарори ва унинг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилга ривожлантириш концепцияси”, 5-боби.

<sup>21</sup> [https://www.un.org/esa/socdev/unyin/documents/ydiMikeThiedke\\_YDI.pdf](https://www.un.org/esa/socdev/unyin/documents/ydiMikeThiedke_YDI.pdf)

<sup>22</sup> <https://iyfglobal.org/library/2017-global-youth-wellbeing-index>

эса 2014 йилда ишлаб чиқилган<sup>23</sup> бўлиб, мазкур индексларда ёшлар ташкилотларини молиялаштириш масаласи умуман назарда тутилмаган. Масалан, Ёшлар ривожланиши индекси (ЁРИ) 170 та давлатга тааллуқли бўлиб, 15 та кўрсаткичларни умумлаштирган 5 та асосий мезонлардан иборат. Индексларни ҳисоблашда Жаҳон банки, БМТ ҳамда миллий статистик агентликлар маълумотларидан фойдаланилган ва ривожланиш даражаси 0-1 оралиғида ҳисобланиб, 1 энг юқори ривожланиш даражаси ҳисобланган.

Муаллифнинг фундаментал мавзуга бағишланган тадқиқот ишининг мазмунидан келиб чиқиб, ёшлар ташкилотларини молиялаштириш бўйича янги индекс ишлаб чиқилган. Ёшлар ташкилотларини молиялаштириш индекси – бир йилда ёшлар ташкилотларига ажратилган ва ёшлар ташкилотлари томонидан жалб этилган маблағлар йиғиндисининг муайян йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилувчи маблағлар чекланган миқдорларининг умумий суммасига солиштириш орқали аниқланувчи кўрсаткич бўлиб, у ёшлар ташкилотларини молиялаштириш даражасини баҳолашда қўлланилади.

Тадқиқоти шуда ёшлар ташкилотларини молиялаштириш индексини аниқлаш методологиясига асосан Ўзбекистондаги сўнгги 4 йиллик (2018-2021 йиллардаги) кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Унга кўра, ёшлар ташкилотларини молиялаштириш 2018 йилда (0,02) – ўрта (нормал) ҳолат ҳолатда, 2019 йилда (0,005), 2020 йилда (0,003), 2021 йилда эса (0,004) паст (қониқарсиз) ҳолатда бўлган деб баҳолаш мумкин.

Демак, келгусидаги прогнозларда, бир йил давомида ёшлар ташкилотларига бюджетдан ажратилувчи ва ёшлар ташкилотлари томонидан жалб этилувчи маблағлар (ёшлар ташкилотлари томонидан ишлаб топиладиган маблағлар, хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар томонидан ёшлар ташкилотларига ажратилувчи техник кўмак маблағлари ва грантлар, ёшлар ташкилотлари учун ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар)нинг умумий йиғиндиси бир йилда республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилувчи маблағлар чекланган миқдорларининг умумий суммасига нисбатан солиштириб бориш муҳим саналади. Бу орқали ёшлар ташкилотларини умумий молиялаштириш даражасини паст ҳолат, ўрта (нормал) ҳолат ёки юқори (барқарор) ҳолатда эканлигини нисбий баҳолаб бориш ва шундан келиб чиқиб, давлат бюджетини режалаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда юқори турувчи органларга таклиф киритиб бориш имконияти юзага келади.

---

<sup>23</sup> <https://www.youthindexs.org/full-report>

Жаҳон мамлакатларида ёшлар ташкилотларини молиялаштириш кўрсаткичлари<sup>24</sup>

2017 йил ҳолатига


| №   | Давлат номи | Ёшларга тоифаси чегараси | Ривожланиш индекси (коэф.) ва рейтингдаги ўрни | Ёшлар ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган номи | Ваколатли органи молиялаштириш ҳажми |
|-----|-------------|--------------------------|--|--|--------------------------------------|
| 1.  | Белгия      | 12-30                    | 0,74 (25 ўрин)                                 | Ёшлар, маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари вазирлиги       | 117 млн. евро                        |
| 2.  | Италия      | 15-35                    | 0,70 (51 ўрин)                                 | Ёшлар масалалари ва миллий фуқаролик хизмати                         | 243 млн. евро                        |
| 3.  | Испания     | 14-29                    | 0,67 (73 ўрин)                                 | Соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизмат ва тенглик вазирлиги                | 27,9 млн. евро                       |
| 4.  | Австралия   | 15-24                    | 0,86 (1 ўрин)                                  | Таълим, бандлик ва меҳнат муносабатлари департаменти                 | 119 млн. долл.                       |
| 5.  | Норвегия    | 12-29                    | 0,79 (10 ўрин)                                 | Болалар масалалари, тенгҳуқуқлик ва социал мувофиқлаштириш вазирлиги | 35 млн. долл.                        |
| 6.  | Австрия     | 14-30                    | 0,77 (13 ўрин)                                 | Ёшлар масалалари бўйича миллий кенгаш                                | 9,2 млн. евро                        |
| 7.  | Азарбайжон  | 14-29                    | 0,69 (60 ўрин)                                 | Ёшлар масалалари ва спорт вазирлиги                                  | 72,8 млн. евро €                     |
| 8.  | Белорусия   | 14-31                    | 0,47 (124 ўрин)                                | Таълим вазирлиги   | 4,5 млн. долл.                       |
| 9.  | Канада      | 15-24                    | 0,82 (2 ўрин)                                  | Ягона ваколатли тузилма мавжуд эмас                                  | 119 млн. долл.                       |
| 10. | АҚШ         | 14-25                    | 0,80 (7 ўрин)                                  | Ёшлар сиёсати бўйича давлат департаменти                             | 1,2 млрд. долл.                      |
| 11. | Чехия       | 15-30                    | 0,73 (31 ўрин)                                 | Таълим, ёшлар ва спорт вазирлиги                                     | 67 млн. евро                         |
| 12. | Финляндия   | 14-29                    | 0,75 (22 ўрин)                                 | Таълим ва маданият вазирлиги   | 12,5 млн. евро                       |
| 13. | Ҳиндистон   | 15-29                    | 0,58 (98 ўрин)                                 | Ёшлар масалалари ва спорт вазирлиги                                  | 6 млрд. долл.                        |
| 14. | Индонезия   | 16-30                    | 0,59 (97 ўрин)                                 | Ёшлар масалалари ва спорт вазирлиги                                  | 154 млн. долл.                       |
| 15. | Лавтия      | 14-28                    | 0,70 (50 ўрин)                                 | Таълим ва фан вазирлиги  | 244 млн. евро                        |
| 16. | Намибия     | 16-30                    | 0,49 (121 ўрин)                                | Ёшлар масалалари вазирлиги   | 40 млн. долл.                        |
| 17. | Никарагуа   | 18-30                    | 0,62 (91 ўрин)                                 | Ёшлар масалалари вазирлиги   | 0,9 млн. долл.                       |
| 18. | Перу        | 15-29                    | 0,5 (119 ўрин)                                 | Ёшлар масалалари бўйича миллий комиссариат                           | 6,5 млн. долл.                       |
| 19. | Қирғизистон | 15-29                    | 0,75 (18 ўрин)                                 | Меҳнат, миграция ва ёшлар масалалари вазирлиги                       | 0,3 млн. долл.                       |
| 20. | Россия      | 15-29                    | 0,63 (88 ўрин)                                 | Ёшлар масалалари федерал агентлиги                                   | 2,6 млрд. долл.                      |

<sup>24</sup> [www.youthpolicy.org/factsheets/country](http://www.youthpolicy.org/factsheets/country) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, [www.youthpolicy.org/factsheets/country](http://www.youthpolicy.org/factsheets/country) расмий манбаи маълумотларига кўра, АҚШ, Ҳиндистон ва Россияда мамлакатда ёшлар сиёсати доирасида ва унинг муҳим қисми сифатида ёшлар ташкилотларини молиялаштириш йўналишида бир млрд. АҚШ долларидан 2,6 млрд. АҚШ долларигача маблағ ажратилаётган бўлса, Италия, Белгия, Австралия сингари мамлакатларда эса камида 100 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратиб келинмоқда.

Давлатларнинг ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳолати маълум бир индекслар орқали баҳолаб келинмоқдаки, бунда Австралия 0,86 кўрсаткич билан биринчи, Канада эса 0,82 кўрсаткич билан иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, учинчи ўринни АҚШ эгаллаган, яъни бу давлатнинг кўрсаткичи 0,80 коэффицентни ташкил этади. Гарчи Россия Федерацияси ёшлар ташкилотларини молиялаштиришда энг юқори маблағлар ажратувчи мамлакатлар қаторига кирса-да, унинг индекси 0,63 кўрсаткичга эга бўлиб, 170 давлат орасида 88-ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистоннинг бу борадаги ўрни эса, 2017 йилга қадар 128 (0,45) ўринни ташкил этган.

2017-2021 йиллар давомида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ташкилотларини молиялаштириш масалалари бўйича олиб борилган сезиларли чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон ёшлар ташкилотларининг ривожланиш индекси ва рейтингдаги ўрни 128-ўридан 99-ўринга кўтарилган<sup>25</sup>.



**4-расм. Ўзбекистондаги ёшлар ташкилотларини молиялаштириш индекси орқали 2018-2021 йиллардаги баҳолаш натижалари<sup>26</sup>**

<sup>25</sup> [www.youthpolicy.org/factsheets/country](http://www.youthpolicy.org/factsheets/country) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>26</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умуман, Ўзбекистондаги ёшлар ташкилотларини молиялаштириш даражасини баҳолаш ва молиялаштиришни режалаштиришда хизмат қилиш вазифасини бажариш учун ишлаб чиқилган мазкур индекс диссертация ишида муҳим аҳамият касб этади<sup>27</sup>.

Диссертация ишида ёшлар ташкилотлари томонидан амалга оширилувчи тадбирларни молиялаштиришда махсус жамғармалар (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси, “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси) маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари такомиллаштирилган.

